

## ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА МУСИҚА ИЛМИНИНГ ЎРНИ

*Тошболтаева Нодирахон Иброхимжоновна*

*ФарДУ Психология кафедраси ўқитувчиси*

*ФарДУ талабалари Собирова Азизахон Марибжон кизи,*

*Набиева Нигора Шухратжон кизи.*

**Аннотация:** мусиқа илмини психологик нуқтаи назардан тахлили баён қилинган. Мусиқанинг инсон психик фаолиятидаги аҳамиятли томонлар акс этирилган. Шахс тараққиётида мусиқа илми талқини баёни келтирилган.

**Калит сўзлар:** шахс, мусиқа психологияси, онг, хиссиёт, шахс хусусиятлари, билиш жараёнлари, ижодийлик, тафаккур кўлами, қобилият.

Мусиқа санъати инсоннинг узок тарихий даврлар мобайнида шакллланган ижтимоий фикр, ғоялари, дунёқараши махсулидир. Биргина бола шахси шаклланиши ва ривожланишида алла айтилишининг ўзиёқ онг тараққиётини таъминлашнинг бир усули саналади. Алла айтишда унли ҳарфларнинг чўзиб айтилиши шахс онгли фаолиятида муҳим ҳисобланади.

“Фикр-фикрни чақиради, инсонни илҳомлантиради. Шунинг учун одам ўз фикр ва тасаввурларини муттасил бойитиб боришга интилиши ва бунда ўзининг энг яқин дўсти ва ҳамроҳи сифатида китобни, илмий, бадиий ва фантастик манбаларни танлагани маъқул”.

Мамлакатни тараққий эттириш борасида ҳар бир шахс ўзининг вазифасини чуқур англаб етмоғи лозим. Доимо огоҳ бўлмоғимиз, жамиятда бўлаётган ўзгаришларни таҳлил этиб хулоса чиқаришимиз бугуннинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Психологиянинг тармоқлари кун сайин тараққий этиб бормоқда. Бу борада мусиқа психологиясини айтиб ўтиш жоиздир. Маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Инсоннинг инсонлигини ифодаловчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва тафаккур даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг микёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракатлари, амаллари, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички қудратидир. Бизга маълумки, психология фанида воқелик таъсири остида пайдо бўладиган сезги ва идрок ҳиссиётнинг асосий манбаидир. Мусиқани тўлиқ идрок этиш учун диққат, хотира ва мусиқий тафаккур муҳим саналади. Мусиқий назарий билимларни ўзлаштиришдаги асосий мақсад, ўқувчиларнинг мусиқий асарнинг ўлчов, сурьат кабиларни айтиб беришлари эмас, балки мусиқанинг ифода воситалари орқали уларда шахсга хос хусусиятларни: ижодий қобилият, мустақил фикрлаш, хотира,

тасаввур, фаоллик ва ижодийликни шакллантиришдир. Муסיқа инсон ҳиссиётлари ҳолатининг барча ранго ранг товланишларини акс эттиришга қодир. Муסיқа вақт мезонига амал қилиб, кечинмаларнинг ўзгартириб туриши, авжланиш ва пасайиш жараёнларини қамраб олади. Муסיқа олами шахс ҳолат ва хусусиятларини новербал усулда акс эттириш қудратига эгадир. Муסיқа билан шахс муаммоларни бартараф этиши, психологик зўриқишлардан ҳалос бўлиш мумкин. Бугунги тезкор ривожланишлар ва янгиликларга бой даврда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, болаларни яъни келажак авлодни ҳар томонлама етук, билимли, ота-онасига меҳрибон, ватанига садоқатли бўлишлари учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилмоқда. Жойларда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган муסיқа мактаблари, уларнинг олиб бораётган фаолиятлари ёш авлод учун улкан зафарлар ва ўз навбатида машаққатли меҳнат талаб этмоқда. Муסיқа илми билан шуғулланиш жараёнида шахсда юксак ахлоқий ва эстетик ҳислар тараққий этиб бораверади. Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эъзуликка интилиши кучли бўлади. Бундай жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устивор бўлади. Яхши фазилатлар қалбида макон қурган ва уларни ҳаёти давомида янада сайқаллаб, такомиллаштириб борган инсон камолотга эришиб бораверади. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни бой маданий меъросимиз, умрбоқий анъаналаримизга, кадриятларимизга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини ҳар томонлама юзага чиқаришларига имкониятлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг бош омилидир.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, ҳулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсон ижобий сифатларининг мажмуидан иборат.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қодирий А. «Маънавият юлдузлари» Тошкент «Халқ мероси» нашриёти. 2001.
2. Ғозиев Э. «Психология» Тошкент «Ўқитувчи» 1994.
3. Ғозиев Э. «Тафаккур психология» Тошкент «Ўқитувчи» 1990.

4. Мустакил фикрлаш. Каримова В.М, Суннатова Р.И, Тожибоева Н. Т.2000.
5. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида.Т.
6. Ибн Сино Фалсафий қиссалар. Т.:Ўқитувчи. 1963 й
7. Ibrokhimjonovna T. N. PERSONAL EDUCATION AS A MAIN BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 03. – С. 1-2.
8. Тошболтаева, Нодира Иброхимжоновна. "Важные аспекты упражнений в умственной деятельности психологическая интерпретация." *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION* 1.5 (2020): 97-99.
9. Toshboltayeva Nodira Ibrohimjonovna// The importance of thinking in the complex process of individual activity// International conference on Studies in Humanities, Education and Sciences.January 10 th,2022.69-70